

\_\_\_\_\_ вилояти  
Адлия бошқармаси томонидан  
2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
№ \_\_\_\_ - сон билан

**ҚАЙТА РЎЙХАТДАН  
ЎТКАЗИЛГАН**



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAVDO-SANOAT PALATASI  
TOSHKENT VILOYATI XUDUDIIY BOSHQARMASI**

**НИЗОМИ**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг (қуйида «Палата» деб юритилади) Тошкент ҳудудий бошқармаси (қуйида «Ҳудудий бошқарма» деб юритилади) Палата тизимига кирувчи, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни ҳудудда самарали бажариш мақсадида Палата томонидан ташкил этилган ва тасдиқланган Низомга асосан Тошкент вилояти ҳудудида фаолият юритувчи мустақил юридик шахс ҳисобланади.

1.2. Ҳудудий бошқарманинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида – “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси”;

рус тилида – “Территориальное управление Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан по Ташкентской области”;

инглиз тилида – “Territorial Administration of the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan in Tashkent region”.

1.3. Ҳудудий бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Палата Устави, мазкур Низом ҳамда Палата Ижроия кўмитасининг таркибий тузилмалари тўғрисидаги Низомлари асосида амалга оширади.

1.4. Ҳудудий бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун тегишли ҳудудда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ва туман (шаҳар)ларда унинг бўлимларини тузилишини ташкил этиши мумкин.

Ҳудудий бошқарма ўз таркибида фаолият йўналишлари бўйича секторлар ташкил этади ва ушбу сектор ходимларининг вазифалари тақсмоти ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

1.5. Ҳудудий бошқарма мустақил равишда тадбиркорликка кўмаклашиш маркази функцияларини бажариш ҳуқуқига эга.

1.6. Ҳудудий бошқарма фаолиятида қуйидаги айрим тушунчалар қўлланилади:

**Ижроия кўмита** – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ижроия кўмитаси;

**Ҳудудий бошқарма** – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари;

**Марказ** – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари;

**Марказ бўлимлари** – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Тадбиркорликка кўмаклашиш марказларининг туман (шаҳар) бўлимлари;

**Худудий тузилмалар** – Палатанинг худудий бошқармалари, унинг хузуридаги Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, Тадбиркорликка кўмаклашиш марказларининг туман (шаҳар) бўлимлари ва бошқа тузилмалар.

1.7. Худудий бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун ушбу худуд туман (шаҳар)ларида Худудий бошқарма томонидан ташкил этилган унитар корхоналар ҳамда бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштириб боради.

1.8. Худудий бошқарма юридик шахс ҳисобланади ва ўз тасарруфида бўлган мол-мулкка эгалик қилади, Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқаридаги банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлари очиш, ҳар-хил битимлар, жумладан, ташқи савдо, кредит, шунингдек ўз Низомида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

1.9. Худудий бошқарма ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятлар олиши, судда, ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Худудий бошқарма ўзига олган мажбуриятлар бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

1.11. Давлат ва унинг органлари Худудий бошқарма мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, худди шундай Худудий бошқарма ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.12. Палатанинг худудий бошқармалари ва аъзолари ҳамда улар ташкил этган тузилмаларининг мажбуриятлари юзасидан Палата Ижроия Қўмитаси жавоб бермайди, шунингдек, улар ҳам Палата Ижроия Қўмитасининг мажбуриятлари юзасидан жавоб беришмайди.

1.13. Худудий бошқарма молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлари тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида ўзининг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини текшириш мақсадида аудиторлик ташкилотлари билан шартнома тузиши мумкин.

Худудий бошқарма молиявий хўжалик фаолияти бўйича Палата қурултойида сайланадиган Тафтиш комиссиясининг ташаббусига кўра ҳам тафтиш этилиши мумкин.

1.14. Худудий бошқарма белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган, ўзининг номи ёзилган муҳрга, Палата тизими учун умумий бўлган жамоавий товар белгиси, рамзлари, расмий идора варақаси, штамп ва бошқа расмий далолат белгиларига эга бўлади.

1.15. Худудий бошқарманинг фаолият мuddати чекланмаган.

1.16. Худудий бошқарманинг манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Қорасув йўли кўчаси, 118-уй

## **2. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

2.1. Худудий бошқарма куйидаги мақсадларда тузилади:

- Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- бизнес-муҳитни такомиллаштириш;
- маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашда иштирок этиш;
- маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш;
- тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёти, унинг жаҳон хўжалик тизимига уйғунлашиши, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакат тадбиркорлари билан савдо-сотик ва илмий-техник алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш;
- Палата аъзоларини бирлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик субъектлари – Палата аъзоларининг қонуний манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- бозор инфратузилмасининг яхлит тизимини шакллантириш.

2.2. Худудий бошқарма куйидаги вазифаларни бажаради:

1) **тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида** – тадбиркорлик субъектларини, айниқса ўз фаолиятини йўлга қўйиш даврида уларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофазасининг кафолатларини кучайтириш, жадал ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг устуворлик роли ва дахлсизлигини таъминлаш, туман (шаҳар)ларда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жумладан:

ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда унинг натижаларини тизимли асосда Палата Ижро этувчи қўмитаси ва бошқа ваколатли органларга тақдим этиш;

тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигининг, аввало маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишнинг амалий механизмининг жорий этиш, уларнинг фаолияти бўйича мустақил баҳолашни тайёрлаш ҳамда Палата Ижро этувчи қўмитаси ва бошқа ваколатли органларга тақдим этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан шикоят аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик субъектлари – Палата аъзолари фаолияти мониторингини амалга ошириш ҳамда улар фаолиятида ўтказиладиган текширувларда иштирок этиш.

**2) ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида** – тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтиришга кенг жалб қилиш, жумладан:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳити ҳолатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга кенг жалб қилиш, тадбиркорлик тузилмалари билан биргаликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини, жумладан, саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳалар бўйича эксперт кенгашларини ташкил этиш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланишини кучайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, Палата Ижро этувчи қўмитасига тақдим этиш;

туман (шаҳар)лар кесимида жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳамда қонунчиликдаги меъёрлар ва талабларнинг амалга оширилиши натижалари бўйича ҳар чоракда таҳлил ўтказиш ҳамда уларни яхшилаш бўйича Палата Ижро этувчи қўмитаси ва бошқа ваколатли органларга таҳлилий материаллар ҳамда таклифларни тақдим этиш.

**3) тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида** – тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектлари хизматларидан фойдаланиш бўйича имкониятлар ва шароитлар яратиш, маслаҳат ёрдами ва ахборот таъминотини тақдим этишда қуйидагилар орқали кўмаклашиш:

янгидан фаолият юритаётган тадбиркорларни жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар фаолиятини яратиш ва ташкил этиш ҳамда уларга бизнес-режаларни тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш, амалий масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

тадбиркорларнинг инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириши, тадбиркорлик

фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олишига ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, уларнинг фаолияти бўйича текширувлар ўтказилганида тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатиш;

молиявий ва товар хом-ашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, технологик машиналар ва қурилмалар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер майдонларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиш;

инновация тадбиркорлигини жорий этишга, «startup» лойиҳалар, ёшларнинг, аввало олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юритишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадларининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, қасаначиликнинг турли шакллари жадал ривожлантиришга фаол кўмаклашиш.

**4) давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида** – давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари – қонунчилик, суд ва ижро этувчи ҳокимиятлар, шунингдек, банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик тизимини жорий этиш, жумладан:

тадбиркорлик субъектлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишга кўмаклашиш, “тўғридан-тўғри ва қайта алоқа” тамойили бўйича ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва самарали механизмини яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш, ваколатли органларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ижро этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилиш;

вилоятлар марказлари, туман (шаҳар)ларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, давлат хизматлари тақдим этувчи хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

**5) тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида** – тадбиркорлик тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини тубдан ошириш, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, туман (шаҳар)ларда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш доимий курсларини қуйидаги усуллар орқали ташкил этиш:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси билан тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ҳудудий филиаллари билан касб-ҳунар коллежлари негизида машғулотлардан бўш вақтларида, ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

тадбиркорларга бизнес юритиш асослари, бизнес-режалар тузиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа зарур фанларга ўқитишни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

тадбиркорларга ходимларни танлаш ва ўқитишда, уларнинг касб малакасини доимий оширишда кўмаклашиш, ҳудудлар ва тадбиркорлик соҳаларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашга давлат буюртмаларини шакллантиришда иштирок этиш;

таълимни ташкил этиш учун олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежаларининг ўқитувчилари, амалиётчи-мутахассислар, юқори натижаларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш.

**б) ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасида ўрнатилган тартибда** – тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашуви, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлаш, миллий брендларни хорижда фаол тарғиб этиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этиш, жумладан:

бизнес-форумлар, кўرғазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва уларда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорлар, янги бозорларни излаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, экспорт турларини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ёрдам кўрсатиш;

ташкил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари, жумладан хорижий инвесторларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

бунда, республикамизнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари савдо-иқтисодий масалалари бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, Палатанинг чет элдаги ваколатхоналари билан фаол ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

### **3. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАГА АЪЗОЛИК**

3.1. Худудий бошқармага аъзоликка қабул қилиш Палата худудий бошқармаси ва хўжалик юритувчи субъекти ўртасида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Худудий бошқарма аъзолигидан чиқиш тартиби бўйича хўжалик юритувчи субъект ёки худудий бошқарманинг ташаббуси билан аъзолик шартномасини бекор қилиш орқали амалга оширилади.

Аъзолик шартномаси бекор қилинганда кириш ва аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

3.3. Худудий бошқарма аъзолигига киришда хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Уставида белгиланган аъзолик бадалини тўлайди.

### **4. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

4.1. Худудий бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларига тақдим этиш учун ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш масалалари бўйича Палата Ижроия қўмитасига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг иқтисодий фаолияти юзасидан муаммоли масалаларини муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш бўйича тадбиркорларнинг таклифларини, шунингдек, янги бизнес-ғоялар ва лойиҳалар амалга оширилишини муҳокама қилиш учун тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари билан ҳамкорликда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ходимларининг ҳисоботларини, шунингдек, депутатларнинг сайёр қабулларини ташкил этишда қатнашиш;

ҳар йили бизнес-ҳамжамият, минтақавий ва халқаро бизнес вакилларининг Иқтисодий форумини ўтказишда иштирок этиш, бизнес доиралар, илмий ҳамжамият, Ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги мулоқотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон, минтақа ва жаҳон иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини мустақил, ҳолисона таҳлил қилиш асосида мустаҳкам алоқалар ўрнатишда иштирок этиш.

эксперт кенгашларини ташкил этиш, шунингдек, ваколатли давлат органларига қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича



ноаниқликлар ва турлича ёндашувларни бартараф этиш бўйича мажбурий жавоб талаб этиладиган ёзма сўровномаларни тақдим этиш;

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларга тақдим этиш учун бизнес ривожланишига тўсқинлик қилаётган ва чеклаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни Палата Ижроия кўмитасига киритиш;

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланадиган тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширувларнинг муддатлари ва сонини белгилашда, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бевосита уларнинг фаолияти текширувларида ваколати доирасида иштирок этиш, шунингдек, текширувларнинг натижаси бўйича қабул қилинган назорат органларининг қарорларига норозилик билдириш;

тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги низоларни тартибга солишни таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг ваколатли шахсларидан зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

жиноий ишлар бўйича амалиётда жамоат ҳимоячилари сифатида иштирок этиш;

давлат органлари ваколатли шахсларининг қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятлар бўйича тадбиркорлик субъектлари номидан суд жараёнининг исталган босқичида иштирок этиш, шунингдек, шикоят аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, жумладан назорат тартибида рад этиш тўғрисидаги хатларни тақдим этиш;

давлат активларини хусусийлаштириш, жумладан давлат мулки объектларини “ноль” га тенг харид қиймати бўйича сотиш, шунингдек, давлат органлари ва давлат хизматларининг айрим функцияларини хусусий секторга бериш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ўзининг таркибида белгиланган тартибда таълим муассасаларини ташкил этиш;

халқаро ва чет эл ташкилотларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳада Палата аъзоларининг қонуний манфаатларини Палата Ижроия кўмитаси билан келишган ҳолда ҳамда ўрнатилган тартибда ифода этиш;

ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари томонидан тузилган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига дахлдор масалалар бўйича идоралар, идораларо ва бошқа комиссиялар, эксперт кенгашлари ва бошқа орган ва ташкилотларнинг ишларида иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларига ихтиролар, фойдали андозалар, саноат наъмуналарига патент олиш, товарлар белгилари ва товарлар ишлаб чиқарилган жойларнинг номини рўйхатга олишда ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ахборот таъминоти, юридик ва консултантив ёрдам бериш ҳамда бошқа турли хилдаги масалаларда ёрдам ва кўмак бериш;

Худудий бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш зарурати юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти органларидан ахборотлар олиш;

замонавий талаб ва стандартлардан келиб чиқиб тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

тўғридан-тўғри халқаро муносабатларни қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатлар ва ташкилотлардан кредит йўналишларини жалб этиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига барча турдаги кредитлар ва бошқа маблағларни олишда ўрнатилган тартибда ёрдам бериш, тегишли шартномалар тузиш;

Палата аъзоларининг манфаатларига доир, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судларга давлат божини тўлашдан озод бўлган ҳолда даъво аризаси билан муурожаат қилиш;

ўрнатилган тартибда газета, журнал ва бошқа матбуот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чоп этиш;

қонунчиликка мувофиқ иқтисодий низоларни ҳал этиш учун ҳакамлик судлари ҳамда халқаро тижорат арбитражини ўрнатилган тартибда тузиш;

халқаро амалиётга мувофиқ товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импорти, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва тасдиқлашда ваколат доирасида иштирок этиш;

миллий ва халқаро кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

ўрнатилган тартибда миллий ва хорижий ташкилот ҳамда тадбиркорлар сўрови бўйича экспертиза, товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан, хом-ашё ва ускуналар сифати, сони ва бутлигини назоратини амалга ошириш;

Низомда белгиланган вазифалари доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;

Палата Ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда ўзининг фаолият юритиш услубини аниқлаш, таркибий тузилишини белгилаш, штатлар жадвали, ходимлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби ва шакллари қонунда назарда тутилган тартибда белгилаш;

Марказ ва унинг бўлимлари фаолиятини бошқариш, хўжалик-молиявий фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш;

Палата Ижро этувчи қўмитаси билан келишган ҳолда Марказ ва унинг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

Амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб этувчи фаолият тури, Худудий бошқарма томонидан бундай рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

## **5. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Худудий бошқарма куйидаги мажбуриятларга эга:

қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя этиш;

рўйхатдан ўтказиш органи билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиш ва унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллариининг чет-эл мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида тегишли органларни хабардор қилиш.

5.2. Рўйхатдан ўтказиш органига, давлат солиқ хизмати органига ва давлат статистикаси органига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

5.3. Нодавлат нотижорат ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5.4. Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг тадбирлар ўтказишни, шунингдек чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби рўйхатга олувчи орган томонидан белгиланади.

## **6. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ, ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ**

6.1. Худудий бошқарма ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк, жумладан, бинолар, иншоотлар, транспортлар, ускуналар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, жумладан, чет эл валютаси, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эгалик қилади.

6.2. Худудий бошқарманинги мол-мулк ва даромад манбалари куйидагилардан иборат:

- Пулли хизматлардан олинган даромадлар;
- Палата аъзолигига кириш ва аъзолик бадалларидан тушган маблағлардан ажратма;
- хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган даромадлар;
- худудий бошқарма таъсис этган корхона ва бошқа тузилмалар томонидан ажратилган маблағлар;
- грантлар ва ҳомийлар манбалари;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

6.3. Барча тушган маблағлар Палата Ижроия кўмитаси белгилаган тартиб бўйича тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурларини молиялаш, Низом вазифалари ва ўз аъзолари олдидаги бошқа шартнома мажбуриятларини бажариш, Худудий бошқармани сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилади.

6.4. Худудий бошқарманинг Низомида кўрсатилган фаолиятини таъминлаш ва кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш, шартнома ва бошқа мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун захира жамғармалари ва бошқа жамғармаларни ташкил этиш, уларнинг миқдори ва фойдаланиш тартиби Палата Ижроия кўмитаси томонидан белгиланади.

## **7. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ РАХБАР ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТ ДОИРАСИ**

7.1. Худудий бошқарманинг раҳбар органи бўлиб белгиланган тартибда Палата Ижроия кўмитаси Раиси томонидан лавозимига тайинланадиган ва озод этиладиган Худудий бошқарма бошлиғи (кейинги ўринларда “Бошлиқ”) ҳисобланади. Бошлиқ ўз фаолияти юзасидан Палата Ижроия кўмитаси олдида ҳисобот беради.

7.2. Ўзбекистон Савдо-Саноат Палатаси Худудий бошқарма бошлиғи:

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатдаги истикболлари концепцияси ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

худудий бошқарма Низоми ва Палата Ижроия кўмитасининг қарорларини бажарилиши устидан назорат олиб боради;

худудий бошқарманинг йиллик режалари, ҳисоботлари ва харажатлари сметасини тайёрлайди;

худудий бошқарма томонидан тузилган шартномаларнинг ижро этилишини назорат қилиб боради;

худудий бошқарманинг мулк тақсимотчиси ҳисобланади ва мол-мулкдан фойдаланиш тартибини Палата Ижроия кўмитаси билан келишган ҳолда белгилайди;

вилоят, туман, шаҳар Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ва филиалларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида Палата Ижроия кўмитаси билан келишган ҳолда қарор қабул қилади;

худудий бошқарманинг ҳисоботини, балансини, дастурини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

худудий бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади;

Палата қурултойи ва Президиуми қарорлари бажарилишини ташкил этади;

худудий бошқарма йиғилишларига раҳбарлик қилади;

Палата курултойи, Президиуми ҳамда Ижроия қўмитасига ҳудудий бошқарма фаолиятига оид масалаларни кўриш учун киритади;

ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор ходимларининг вазифаси доирасини белгилайди;

вилоят, туман, шаҳар Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ва филиалларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни белгилайди;

худудий бошқарма тизимининг ходимлари томонидан бажариши шарт бўлган буйруқ ва фармойишларни имзолайди;

худудий бошқарма қошида ташкил этилаётган ташкилотлар ва худудий бошқарма таркибий бўлинмалари ҳақидаги низомларни, ички меҳнат тартиби қоидалари ва худудий бошқарма фаолиятининг бошқа муҳим ҳужжатларини имзолайди;

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунларига ва мазкур Низомга мувофиқ худудий бошқарма фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳал қилади.

7.3. Бошқарма бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифасини ўринбосарларидан бири бажаради.

## **8. ҲУДУДИЙ БОШҚАРМА НИЗОМИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Ҳудудий бошқарма Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар Палата Ижроия қўмитаси Раиси томонидан киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

## **9. ҲУДУДИЙ БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ**

9.1. Ҳудудий бошқарма фаолиятини тўхтатиш Палата Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ тартибда қайта ташкил этиш ёки тугатиш йўли билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Ҳудудий бошқарманинг мулки унинг фаолияти Палата Ижроия қўмитаси қарори асосида қайта тузилганда унинг ҳуқуқий ворисига ўтказилади, тугатилганда эса Палата Ижроия қўмитаси қарори асосида Низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

